O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA
VAZIRLIGI

UNDP



# ФУҚАРОЛАР УЧУН БЮДЖЕТ

## 2023 ЙИЛ ИЖРОСИ

# ФУҚАРОЛАР УЧУН БЮДЖЕТ:
# 2023 ЙИЛ ИЖРОСИ

Тошкент – 2024

# МУНДАРИЖА

КИРИШ 4

1 | МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ИЖРОСИ 5

2 | ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ 8

ДАРОМАДЛАР 8

ХАРАЖАТЛАР 17

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАРНИ БЕЛГИЛАШ 29

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ ЖАРАЁНЛАРИ ДОИРАСИДА 2023 ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА КЎРА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ЮЗАСИДАН МАЪЛУМОТ 34

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ИЖРОСИ 40

БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ ВА УНИ ҚОПЛАШ МАНБАЛАРИ 57

3 | ДАВЛАТ ҚАРЗИ 58

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР 61

БОҒЛАНИШ УЧУН МАЪЛУМОТ 63

# КИРИШ

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2023 йил учун Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган навбатдаги “Фуқаролар учун бюджет” нашрини тақдим этмоқда.

Нашрда 2023 йил учун Давлат бюджети ижросининг макроиқтисодий шарт-шароитлари, даромадлар прогноз кўрсаткчиларининг ижро этилиши бўйича натижалар ва бюджет харажатларининг режалаштирилиши ва ижро этилиши, шунингдек маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги маълумотлар, бюджет тақчилиги ва Давлат қарзи ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

Дунёда этаётган мураккаб глобал сиёсий ва иқтисодий вазиятлар шароитида миллий иқтисодиётнинг ўсиши 6,0 фоизни ташкил этди.

Нашрнинг асосий бўлимида Давлат бюджетининг асосий параметрлари ижроси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. 2023 йилда ҳам Давлат бюджети даромадларининг олдинги йилларга нисбатан ўсиш тенденцияси сақланиб қолди. Даромадларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар солиқлар кесимида ва даромадларнинг ўсиши ёки камайишига таъсир кўрсатган омилларни ҳисобга олган ҳолда тақдим этилган.

2023 йил якуни билан Давлат бюджети харажатлари йиллик тасдиқланган кўрсаткичлардан юқори бўлди. Бу аҳоли ва иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва бошқа муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича қўшимча маблағлар ажратилгани билан изоҳланган.

Шунингдек, нашрда 2023 йилда Ташаббусли бюджет жараёнлари учун ажратилган маблағлар ҳамда эришилган натижалар юзасидан маълумотлар ёритиб ўтилган. Ушбу бўлим орқали ҳудудлар кесимида илгари сурилган лойиҳалар ва аҳолининг овоз беришдаги фаоллиги каби таҳлилий маълумотлар билан танишиш мумкин.

Ушбу нашрда бугунги кунда иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларнинг долзарблиги ортиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда Давлат бюджети харажатларининг иқлим ўзгаришига таъсири юзасидан баҳолаш натижалари келтирилган.

Нашр Давлат қарзининг ҳолати ва унга хизмат кўрсатиш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар билан якунланади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу нашр фойдаланувчилар учун фойдали бўлиши ва Давлат бюджетини шакллантириш, муҳокама қилиш ва ижро этиш жараёнларига фуқароларнинг қизиқиши ошишига хизмат қилишига умид қилади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**

# 1 МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ИЖРОСИ

2023 йилда ички талабнинг фаол сақланиб қолиши натижасида мамлакат **ялпи ички маҳсулот** (ЯИМ) ҳажми **1 066 569 млрд сўмни** ёки 90,9 млрд АҚШ долларни ташкил этиб белгиланган прогноз параметрга (5,3%) нисбатан **0,7 фоиз** бандга юқори ўсиб, 2022 йилга нисбатан **6 фоизга** ошди.

## 2022-2023 ЙИЛЛАРДА ЯИМ ҲАЖМИ ВА ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ




2023 йилда иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери хизматлар соҳаси бўлиб, унинг ўсиш суръати 6,8 фоизни (прогноз -6,5 фоиз ) ташкил этди. Шу билан бирга ижобий ўсиш суръатлари иқтисодиётни фискал рағбатлантириш ҳамда ташқи трансфертлар ва ташқи инвестициялар барқарор оқими натижасида, истеъмол ва инвестиция харажатларининг ўсиши ҳисобига эришилди.

## ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЯИМ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ, ФОИЗДА




Ҳисобот даврида иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Хусусан:

**Саноат тармоғида** 2023 йилда **655,8 трлн** сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан – **6 фоизга** (прогноз – 5,1%) ўсди.

**Қишлоқ хўжалигида 426,3 трлн сўмлик** маҳсулотлар етиштирилган бўлиб, белгиланган прогноз кўрсаткичи (3,5%)га нисбатан **0,6 фоиз** бандга юқори бўлиб **4,1 фоизга** ўсди.

Шунингдек, **қурилиш ишлари** ҳажми ҳам **6,4 фоизга** ўсиши кузатилди.(прогноз – 6%).

ЯИМнинг тармоқ таркибида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган ҳолда хизматлар соҳаси улуши ортган ва бу соҳадаги ўсиш суръатларининг юқорилиги билан изоҳланади.

## ЯИМ ТАРМОҚ ТАРКИБИ, %




2023 йил якунларига Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 352,1 трлн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22,1 фоизга ўсди.

## 2021-2023 ЙИЛЛАРДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ БЎЙИЧА КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲАЖМИ, ТРЛН СЎМ




2023 йил январь-декабрь ойлари учун истеъмол нархлари индекси 8,8 фоизни ташкил этди. Кўриб чиқилаётган даврда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўртача 9,7 фоизга, ноозиқ-овқат маҳсулотлари- 7,7 фоизга ва хизматлар 8,7 фоизга ошди.

## 2021-2023 ЙИЛЛАРДА ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА ИСТЕЪМОЛ НАРХЛАРИ ИНДЕКСИ ДИНАМИКАСИ, ФОИЗ



Халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожаланиши фонида 2023 йил якунлари билан ташқи савдо айланмаси 62 567 млн АҚШ долларни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 23,9 фоизга ўсган.

## 2021-2023 ЙИЛЛАРДА ТАШҚИ САВДО КЎРСАТКИЧЛАРИ, МЛН АҚШ ДОЛЛАРИ




Экспорт таркибида саноат маҳсулотлари, хизматлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар асосий ўринни эгаллади. Импорт таркибида эса машиналар ва транспорт асбоб-ускуналар, саноат товарлари ва кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар асосий ўринга эга.

## ЭКСПОРТ ТАРКИБИ, ФОИЗ




## ИМПОРТ ТАРКИБИ, ФОИЗ




- Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар
- Ичимликлар ва тамаки
- Ноозиқ-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари
- Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар
- Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар
- Кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар
- Саноат товарлари
- Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналар
- Турли хил тайёр буюмлар
- Бошқа товарлар
- Хизматлар

# 2 ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ

## Даромадлар

Давлат бюджети даромадлари 2023 йил якуни билан **231 720,7 млрд сўмни** ташкил қилди. 2022 йилга нисбатан даромадлар 29 856,9 млрд сўмга ёки 14,8 фоизга ошган.

**ДАРОМАДЛАР МАЪМУРЧИЛИГИ**

**СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ МАЪМУРЧИЛИГИДАГИ**

165 917,6 млрд сўм

2022 йилга нисбатан 111,7%

**БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ МАЪМУРЧИЛИГИДАГИ**

58 388,0 млрд сўм

2022 йилга нисбатан 126,9%

**БОШҚА ДАРОМАДЛАР –**
**7 415,0 млрд сўм, 2022 йилга нисбатан 1,1%**

Бошқа даромадлар таркибига қўшилган қиймат солиғи бўйича қайтариш (қоплаб бериш), фуқароларга харид суммасидан 1% (“кэш-бэк”) қайтариш, шунингдек дивидендлар ва солиқсиз тушумлар киради.

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ 2023 ЙИЛ ПРОГНОЗИ ВА ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ**

| Даромадлар | 2022 йил ижро | 2023 йил ижро | Фарқ | Фоиз |
|---|---|---|---|---|
| **ЖАМИ** | **201 863,7** | **231 720,7** | **29 856,9** | **114,8** |
| **Бевосита солиқлар** | **64 447,1** | **73 103,6** | **8 656,5** | **113,4** |
| Фойда солиғи | 37 649,9 | 40 778,9 | 3 129,1 | 108,3 |
| Айланмадан олинадиган солиқ | 2 512,7 | 2 407,3 | -105,4 | 95,8 |
| Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 24 284,5 | 29 917,4 | 5 632,9 | 123,2 |
| **Билвосита солиқлар** | **71 390,2** | **83 325,8** | **11 935,6** | **116,7** |
| Қўшилган қиймат солиғи | 52 189,4 | 57 885,3 | 5 695,9 | 110,9 |
| Акциз солиғи | 13 455,0 | 15 834,4 | 2 379,3 | 117,7 |
| Божхона божи | 5 745,7 | 9 606,1 | 3 860,4 | 167,2 |
| **Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи** | **23 912,8** | **28 079,5** | **4 166,7** | **117,4** |
| Мол-мулк солиғи | 4 015,4 | 5 097,7 | 1 082,2 | 127,0 |
| Ер солиғи | 5 305,9 | 6 890,1 | 1 584,2 | 129,9 |
| Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | 13 887,4 | 15 300,3 | 1 412,9 | 110,2 |
| Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 704,1 | 791,4 | 87,3 | 112,4 |
| **Бошқа даромадлар** | **42 113,7** | **47 211,8** | **5 098,1** | **112,1** |

2023 йилда қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича тушумларнинг 2022 йилга нисбатан ўсиш суръатлари кам бўлишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди. Қўшилган қиймат солиғини қоплаб бериш ҳақиқатда 21 646,0 млрд сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 2 334,3 млрд сўмга кўп қайтарилган.

Энергоресурс қазиб чиқариш, қайта ишлаш ҳажмининг камайиши, дунё бозорида пахта толаси, дон ва кимёвий ўғитлар нархи пасайиши ҳамда йил бошида кузатилган аномал совуқ шароитида корхоналар харажатининг ошиши ва корхоналар фаолиятининг вақтинча тўхтатилганлиги солиқ тушумлари йўқотилишига олиб келди.

Шу билан бирга, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан якуний истеъмолчиларга сотиладиган АИ-80 русумли автобензин маҳсулоти учун акциз солиғининг "ноль" ставкаси белгиланиши ҳисобига 2023 йилда тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида 1 300,0 млрд сўм қолдирилди.

## 2023 ЙИЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ МАНБАЛАР БЎЙИЧА ЧОРАКЛИК ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ




Давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита солиқларнинг улуши 31,6%, билвосита солиқлар бюджет даромадларининг 35,9 фоизини ташкил этди. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи 12,1 фоизни, бошқа даромадлар эса жами даромаднинг – 20,4 фоизини ташкил этди.

## 2022-2023 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ МАНБАЛАР КЕСИМИДА ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ



# 2023 ЙИЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ МАНБАЛАР КЕСИМИДА ИЖРОСИ

**Бевосита солиқлар** бўйича тушумлар 2022 йил билан солиштирганда 8 656,5 млрд сўмга ёки 13,4 фоизга ошиб, **73 103,6 млрд сўмни** ташкил этди.

Солиқ турлари кесимида тушумлар.

**Фойда солиғи – 40 778,9 млрд сўмни** ташкил қилди, шундан жами тушумнинг 21656,7 млрд сўм ёки 53,1 фоизи олтин ва мис қазиб чиқарувчи корхоналарга тўғри келди.

2023 йилда солиқ тўловчилар тури бўйича фойда солиғи тушумлари:

| | |
|---|---|
| олтин ва мис қазиб чиқарувчи корхоналари (НКМК ва ОКМК) | 21 656,7 млрд сўм, ўсиш суръати - 4 262,9 млрд сўм ёки 24,5% |
| йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси солиқ тўловчилари (НКМК ва ОКМК дан ташқари) | 11 778,1 млрд сўм, ўсиш суръати - -2 115,6 млрд сўм ёки -15,2% |
| Ҳудудий солиқ тўловчилар | 7 344,1 млрд сўм, ўсиш суръати – 981,7 млрд сўм ёки 15,4% |

Фойда солиғи тушумлари 3 129,1 млрд сўмга, ёки 2022 йилга нисбатан 8,3 фоизга ошган.

**ФОЙДА СОЛИҒИ БЎЙИЧА ТУШУМЛАРНИ ОШИШИГА ҚАНДАЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИР КЎРСАТДИ?**

- Тоғ-кон ва металлургия саноати корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш товари ҳисобланган олтиннинг 1 унцияси учун жаҳон бозоридаги ўртача йиллик нарх 1 941,8 АҚШ долларига ошиши фойда солиғи тушумларини 2022 йилга нисбатан 6,2 фоизга кўпайишига олиб келди
- Фойда солиғи тўловчилар сони 183,5 мингтани ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 19,0 мингтага ёки 11,6 фоизга ошганлиги.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – 29 917,4 млрд сўм, шу жумладан иш берувчилар томонидан ушлаб қолинадиган – 28 096,8 млрд сўм. Ушбу солиқ тушумларининг 2022 йилга нисбатан ўсиши 5 632,9 млрд сўм ёки 23,2% ни ташкил этди.

2023 йилда иш берувчилар томонидан ушлаб қолинадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари тушумлар:

| | |
|---|---|
| Дивиденд ва фоизлар кўринишидаги даромадлар учун солиқ | 1 007,9 млрд сўм (+ 245,3 млрд сўм) |
| Мол-мулк ижарасидан олинадиган солиқ | 413,7 млрд сўм (+52,2 млрд сўм) |
| Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад учун солиқ | 399,0 млрд сўм (+ 5,6 млрд сўм) |

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТУШУМЛАРИНИНГ ЎСИШИГА ҚАНДАЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИР КЎРСАТДИ?**

- Бюджет секторидаги энг кам иш ҳақи миқдорининг 2022 йилга нисбатан ўртача йиллик 10,7% га ўсиши
- Ишчи ходимлар сонининг легализацияси ҳисобига солиқ тўловчилар сонининг 5,4 млн тага ошиши (2022 йилга нисбатан 350 мингга кўп)
- Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси миқдорининг 176 515,0 млрд сўм гача ошиши (2022 йилга нисбатан 23 450,0 млрд сўм ёки 15,3% га кўп)

**+5 632,9**
млрд сўм,
23,2%

**Айланмадан олинадиган солиқ – 2 407,3 млрд сўм,** 2022 йилга нисбатан тушумлар 105,4 млрд сўмга (4,2%) кам бўлди.

Айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар сони 2022 йилга нисбатан 9,4 минг ёки 2,6%га камайиб, 360,0 мингтани ташкил этди

Солиқ тушумларининг камайишига қуйидаги омиллар сабаб бўлган:

- солиқ тўловчиларнинг ҚҚСга ўтиши ҳисобига – 6 фоизга;
- қатъий солиқни жорий қилиниши билан ушбу тўловчилар бўйича 2022 йилга нисбатан тўловларнинг камайиши ҳисобига – 9 фоизга;
- йил бошидан бошлаб 4 фоиздан юқори бўлган ставкалар бекор қилиниб ягона 4 фоиз ставка ўрнатилиши ҳисобига – 7 фоизга;
- республика ҳудудларининг 4 ва 5-тоифаларидаги туманлар ҳисобига – 3 фоизга.

**Билвосита солиқлар** бўйича тушумлар 2022 йил билан солиштирганда 11 935,7 млрд сўмга ёки 16,7 фоизга ошиб, **83 325,8 млрд сўмни** ташкил этди.

**Солиқ турлари кесимида тушумлар.**

**Қўшилган қиймат солиғи – 57 885,3 млрд сўм**, 2022 йилга нисбатан 5 695,9 млрд сўм ёки 10,9% га ошган. Божхона органлари томонидан ундириладиган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) 17,7% га, солиқ органлари томонидан ундириладигани – 3,6% га ошди.

## ҚҚС БЎЙИЧА ТУШУМЛАР, МЛРД СЎМ




ҚҚС бўйича 2023 йилда 6 701 та тадбиркорлик субъектларига 21 646,0 млрд сўм миқдордаги маблағ ҚҚС манфий суммасининг қоплаб берилиши учун қайтарилди (ҚҚС тушумининг 27,2% и). Таққослаш учун, 2022 йилда солиқ тўловчиларга 19 311,7 млрд сўм қайтариб берилган бўлса, 2021 йилда 14 417,0 млрд сўмни ташкил этган.

| | | |
|---|---|---|
| **ҚҚС СОЛИҒИ ТУШУМЛАРИНИНГ ЎСИШИГА ҚАНДАЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИР КЎРСАТДИ?** | ■ Иқтисодий фаолликнинг ўсиши<br>■ Солиқ маъмурчилигининг такомиллаштирилиши<br>■ Солиқ тўловчилар сонининг 183,5 мингтагача ошиши, 2022 йилга нисбатан 19,0 минг ёки 11,6%га ўсиши | **+5 695,9** млрд сўм, 10,9 % |

*ҚҚС солиғи маъмурчилигининг такомиллаштирилиши унинг самарадорлигини (йиғувчанлигини) 2022 йилда 53,7 %дан 2023 йилда 62,1 %га ошишига олиб келди. (ҚҚС Самарадорлиги = ҚҚС тушумларининг ЯИМдаги улуши / ҚҚС ставкаси)*

**Акциз солиғи – 15 834,4 млрд сўм,** 2022 йилга нисбатан 2 379,3 млрд сўм ёки 17,7%га ошди.

| **Акциз солиғи тушумлари:** | |
|---|---|
| солиқ органлари томонидан – **15 132,9 млрд сўм**, 2022 йилга нисбатан 2 055,7 млрд сўмга кўп | божхона органлари томонидан – **701,4 млрд сўм**, 2022 йилга нисбатан 323,6 млрд сўмга кўп |

## 2021-2022 ЙИЛЛАРДА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЙИҒИЛГАН АКЦИЗ СОЛИҒИ ТУШУМЛАРИНИНГ АКЦИЗОСТИ МАҲСУЛОТЛАРИ КЕСИМИДАГИ СУММАСИ

| | |
|---|---|
| алкоголь маҳсулотлари (шу жумладан пиво) | **2 247,3** млрд сўм (2022 й. – 1 769,2,4 млрд сўм) |
| полиэтилен гранулалари | **214,9 млрд сўм** (2022 й. – 251,4 млрд сўм) |
| тамаки маҳсулотлари | **2 286,5** млрд сўм (2022 й. – 1 998,4 млрд сўм) |
| мобиль алоқа хизмати | **974,9 млрд сўм** (2022 й. – 868,0 млрд сўм) |
| нефт маҳсулотлари | **282,6 млрд сўм** (2022 йилда – 576,6млрд сўм) |
| бензин, дизель ёқилғиси ва газни охирги истеъмолчига реализация қилишда тўланадиган акциз солиғи | **3 631,3 млрд сўм** (2021 й. – 3 387,9 млрд сўм) |
| табиий газ | **5 495,5 млрд сўм** (2022 й. – 4 221,9 млрд сўм) |

**ҚУЙИДАГИ ОМИЛЛАР АКЦИЗ СОЛИҒИ БЎЙИЧА БЮДЖЕТ ТУШУМЛАРИГА ТАЪСИР ЭТГАН**

- 2023 йил 1 фвралдан акциз ости маҳсулотлар учун белгиланган қатъий суммадаги ставкаларнинг ўртача 10 фоизга оширилиши – 1 580 млрд сўм;
- АИ-80 русумли автобензин маҳсулоти ишлаб чиқарувчи учун акциз солиғининг “ноль” ставкаси белгиланиши – 1 300,0 млрд сўм.

**Божхона божлари бўйича тушумлар – 9 606,1 млрд сўм,** 2022 йилга нисбатан 3 860,4 млрд сўмга ёки 67,2 фоизга ошган.

**БОЖХОНА БОЖЛАРИ ТУШУМЛАРИ ЎСИШИГА ҚАНДАЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИР КЎРСАТДИ?**

- 2023 йилда импорт ҳажмининг 2022 йилга нисбатан 8,6 млрд АҚШ долларига ортиши.
- 2023 йилда миллий валютага нисбатан АҚШ доллари курсининг ўзгариши.
- Айрим божхона имтиёзларининг амал қилиш муддатининг тугаши.
- божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, расмийлаштирув жараёнининг тезлашиши ва божхона маъмуриятчилигининг янги усулларини жорий этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар

**+3 860,4**
млрд сўм,
67,2%

**Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи – 28 079,5 млрд сўм,** 2022 йилга нисбатан 4 166,7 млрд сўмга ортди.

Ресурс солиқлари тушумларининг асосий улушини (15 300,3 млрд сўм, ёки 54,5 %) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ташкил этиб, асосий қисми (62,1 %) олтин қазиб олувчи корхоналар ҳисобига тўғри келади.

## РЕСУРС СОЛИҒИ ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ТУШУМЛАРИ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

| Солиқ турлари | 2022 йил | 2023 йил | ўсиш |
|---|---|---|---|
| **Ресурс солиқлари – жами:** | **23 912,8** | **28 079,5** | **117,4** |
| **Мол-мулк солиғи – жами** | **4 015,4** | **5 097,7** | **127,0** |
| *шундан :* | | | |
| *юридик шахслар* | 3 040,5 | 3 609,3 | 118,7 |
| *жисмоний шахслар* | 974,9 | 1 488,4 | 152,7 |
| **Ер солиғи – жами** | **5 305,9** | **6 890,1** | **129,9** |
| *шундан :* | | | |
| *юридик шахслар* | 3 422,0 | 4 018,1 | 117,4 |
| *жисмоний шахслар* | 1 883,9 | 2 872,0 | 152,5 |
| **Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ** | **13 887,4** | **15 300,3** | **110,2** |
| **Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ** | **704,1** | **791,4** | **112,4** |

Ресурс солиқларининг таркиби бўйича тушумлари 2022 йилга нисбатан мол-мулк солиғида 27,0% га, ер солиғида 29,9% га, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғида 10,2% га ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқда 12,4 фоизга ўсди.




**Солиқ турлари кесимида тушумлар.**

**Мол-мулк солиғи – 5 097,7 млрд сўм,** 2022 йилга нисбатан 1 082,2 млрд сўм, ёки 27,0% га ошган.

| **Мол-мулк солиғи бўйича тушумлар:** | |
|---|---|
| **юридик шахслардан -**<br>3 609,3 млрд сўм, 2022 йилга нисбатан 568,8 млрд сўм (ёки 18,7%) ошган | **жисмоний шахслардан -**<br>1 488,4 млрд сўм, 2022 йилга нисбатан 513,5 млрд сўм ёки 52,7% фоизга ошган |

Юридик шахслар мол-мулк солиғи тушумларининг ўсишига қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатди:

- айрим турдаги кўчмас мулкка нисбатан қўлланиладиган мол-мулк солиғи бўйича пасайтирилган солиқ ставкасини 0,5 фоиздан 0,6 фоизга оширилиши;
- минимал қийматдан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган объектлар сонини 4 мингдан ортиқга кўпайиши;
- солиқ қарзларининг ундирилиши.

2023 йилда айрим ҳудудларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мол-мулк солиғини ҳисоблаш учун бинолар ва иншоотларнинг минимал қийматига нисбатан қўлланиладиган пасайтириш коэффициентларининг (0,5 дан 0,9 гача) қайта кўриб чиқилиши солиқ тушумларига ҳам таъсир кўрсатди.

**Ер солиғи – 6 890,1 млрд сўм**, 2022 йилга нисбатан 1 584,2 млрд сўм, ёки 29,9%га ошган.

2023 йилда юридик шахслар ер солиғи 4 018,1 млрд сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 596,1 млрд сўм ёки 17,4%га ошган.

| МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҒИ ТУШУМЛАРИНИНГ ЎСИШИГА ҚАНДАЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИР КЎРСАТДИ? | | +2 666,4 млрд сўм ёки 26,6% |
|---|---|---|
| | ▪ қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун базавий ер солиғи ставкаларини ҳамда мол-мулк солиғи ставкалари ва 10 фоизга индексация қилиниши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ ставкаларига камайтирувчи ва ошириш коэффициентларини қўллаши;<br>▪ тадбиркорлик фаолияти учун мўлжалланган нотураржой кўчмас мулк объектлари бўйича мол-мулк солиғи миқдорини 2022 йилга нисбатан ошириш бўйича чекловни бекор қилинди (2022 йилда бу чеклов 2021 йилга нисбатан 30 фоиздан кўп бўлмаган);<br>▪ минимал қийматдан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган объектлар сонини кўпайганлиги;<br>▪ солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, янги маъмурий воситаларни жорий этиш, жараёнларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш, солиқ тўловчиларни хабардор қилиш ва маслаҳат бериш. | |

*Ер солиғи бўйича солиқ ставкаларининг аниқ миқдори маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан базавий солиқ ставкалари асосида туманларнинг иқтисодий ривожланиши ва нуфузига қараб кўпайтирувчи ва пасайтирувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда белгиланади (бу ҳуқуқ 2021 йилдан бошлаб маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган).*

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ ВА ВИЛОЯТЛАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН 2023 ЙИЛДА ТУМАНЛАР ВА ШАҲАРЛАР БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН КОЭФФИЦИЕНТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ




### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ ВА ВИЛОЯТЛАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН 2023 ЙИЛДА ТУМАНЛАР ВА ШАҲАРЛАР БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН КОЭФФИЦИЕНТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ




2023 йилда жисмоний шахслар ер солиғи тушумлари 2 872,0 млрд сўмни ташкил этиб., 2022 йилга нисбатан 988,1 млрд сўмга ёки 52,5% ошди.

2023 йилда тушумларнинг ўсиши ер солиғи базавий ставкаларининг 10 фоизга индексация қилиниши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жисмоний шахсларга тегишли ер участкаларига нисбатан пасайтирувчи ва оширилувчи коэффициентларни қўллаш ҳисобига таъминланди.

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ – 791,4 млрд сўм.** Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 10 фоизга индексация қилиниши ҳисобига ушбу солиқ тушумлари 2022 йилга нисбатан 87,3 млрд сўмга, ёки 12,4% га ошган.

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари – 15 300,3 млрд сўм,** 2022 йилга нисбатан 1 412,9 млрд сўм, ёки 10,2% га кўп бўлди.

| ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИНГ ОРТИШ САБАБЛАРИ | Олтиннинг 1 унцияси учун жаҳон бозоридаги ўртача йиллик нарх 1 941,8 АҚШ долларига ошиши билан бахоланади | **1 412,9** млрд сўм, 10,2% |
|---|---|---|

**Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар – 47 211,8 млрд сўм** (+12,1%).

**ТУШУМЛАРНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ТЎЛАНГАН ДИВИДЕНДЛАР ҲИСОБИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ**

**25 399,4 млрд сўм**

Бошқа тушумлар:

| Давлат божи, йиғимлар ва жарималар | Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушумлар | Давлат мулки ижараси ва бошқа тушумлари |
|---|---|---|
| **6 827,8 млрд сўм** | **584,7 млрд сўм** (маҳаллий бюджетларга ўтказилган қисми) | **14 399,9 млрд сўм** (бюджетга ўтказилган қисми) |

## ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАГИ УЛУШИ, 2023 ЙИЛГИ ИЖРОСИ*, %




*) Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар. Республика ҳудудига олиб кириладиган товарлар учун тўланадиган божхона тўловлари бундан мустасно.

# Харажатлар

Давлат бюджетининг 2023 йил харажатлари тасдиқланган параметрларга нисбатан **23 362,5 млрд сўм** ошган ҳолда **281 096,7 млрд сўмга** ижро этилди.

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 2023 ЙИЛ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

| Харажатлар | Тасдиқланган | Ижро |
|---|---|---|
| **Харажатлар – жами** | **257 734,2** | **281 096,7** |
| Ижтимоий харажатлар | 127 383,5 | 137 246,7 |
| Иқтисодиёт харажатлари | 36 210,7 | 42 924,3 |
| Марказлашган инвестиция лойиҳалари ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари | 25 570,0 | 29 581,6 |
| Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари | 13 905,3 | 14 618,0 |
| Суд органларини сақлаш харажатлари | 1 111,4 | 1 295,4 |
| Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ҳамда Давлат томонидан ННТ ларни қўллаб-қувватлаш харажатлари | 996,6 | 1 087,8 |
| Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари | 1 524,6 | 1 720,4 |
| Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари (фоиз харажатлари) | 6 878,4 | 8 220,6 |
| Иш хақи ва коммунал хизматлар тарифларини ошириш харажатлари* | 3 797,9 | |
| Бошқа харажатлар | 40 355,8 | 44 401,9 |

**Иш хақи ва коммунал хизматлар тарифларини ошириш харажатлари учун режалаштирилган маблағлар йил давомида соҳалар (таълим, соғлиқни сақлаш ва б.) га қайта тақсимланади.*

2023 йилда Давлат бюджети харажатларининг 48,8 % ини ижтимоий соҳа харажатлари ташкил этиб, 127 383,5 млрд сўм миқдорида тасдиқланган ҳолда 137 246,7 млрд сўмга ижро этилди. Ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисми таълим соҳасига йўналтирилди.

## 2023 ЙИЛ ИЖТИМОИЙ СОҲА ХАРАЖАТЛАРИ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ



## Таълим

Таълимга амалга оширилган харажатларнинг 65 % и умумий таълимга, 19 % и мактабгача таълимга ва 16 % и кадрлар тайёрлашга йўналтирилди.

### 2023 ЙИЛ ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАР КЕСИМИДА ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

| | Мактабгача таълим | Умумий таълим | Кадрлар тайёрлаш |
|---|---|---|---|
| ТАСДИҚЛАНГАН | 10 779,8 | 35 932,5 | 10 334,6 |
| ИЖРО | 11 722,9 | 39 682,5 | 9 814,7 |

## Мактабгача таълим муассасалари (МТМ)

Мактабгача таълим йўналишига амалга оширилган харажатлар **10 779,8 млрд сўм** миқдорида тасдиқланган ҳолда **11 722,9 млрд сумга** ижро этилди. Харажатларнинг ошишига иш ҳақи миқдорларининг оширилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича топшириқлари ижроси сабаб бўлди.

### 2023 ЙИЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН МТМ ЛАРГА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СУМ




### 2022-2023 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН МТМЛАРНИ ҚУРИШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШГА ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СЎМ



Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни кенгайтириш мақсадида давлат томонидан ушбу соҳада давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш фаол қўллаб-қувватланмоқда

| Давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларига ажратилган субсидиялар: | | |
|---|---|---|
| **иш ҳақи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа харажатларни қоплаш учун** | **бир тарбияланувчига тўғри келадиган харажатларнинг 50%ини қоплаш учун** | **электроэнергия харажатларнинг 50%ини қоплаш учун** |
| 2 490,2 млрд сўм | 279,2 млрд сўм | 2,1 млрд сўм |

| Нодавлат МТМлар сони | Мактабгача таълимнинг умумий қамрови |
|---|---|
| 823 486 | 74% |

## ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҚАМРОВИ, %




### Мактаб таълими

2023 йилда давлат бюджетининг умумий ўрта таълимга харажатлари 2022 йилга нисбатан 19,7% га ошди ҳамда **35 932,5 млрд сўм** тасдиқланган ҳолда **39 682,5 млрд сўмга** ижро этилди. Харажатлар асосан иш ҳақининг ошиши ҳамда таълим муассасаларида ишлайдиган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш учун қўшимча маблағлар ажратиш ҳисобига тасдиқланган параметрларга нисбатан ошган.

## УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| Кўрсаткичлар | 2022 | 2023 |
|---|---|---|
| Умумтаълим муассасалари *сони шундан:* | 10 398 | 10 465 |
| Умумтаълим мактаблари: | 9 908 | 9 973 |
| *шу жумладан:* | | |
| Ихтисослашган мактаблар | 193 | 195 |
| Мактаб-интернатлар | 226 | 226 |
| Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор болалар учун мактаблар | 71 | 71 |
| Ўқувчилар, минг нафар | 6 360 | 6 430 |
| Ўқитувчилар, минг нафар | 531 | 595 |
| Умумтаълим муассасаларига Давлат бюджети харажатлари ва умумий таълим билан боғлиқ бошқа харажатлар, млрд сўм | 33 138,1 | 39 682,5 |

## Мактабдан ташқари таълим

### АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

| | Болалар мусиқа ва санъат мактаблари | Таълим олувчи болалар сони | Давлат бюджетидан болалар мусиқа ва санъат мактабларини сақлаш харажатлари, млрд сўм |
|---|---|---|---|
| **2022** | 323 | 91 922 | 641,9 |
| **2023** | 323 | 92 250 | 717,2 |

## Кадрлар тайёрлаш

2023 йилда профессионал таълим муассасалари ва академик лицейларни сақлаш харажатлари **2 745,6 млрд сўмни** ташкил этди.

### ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| Кўрсаткичлар | 2022 | 2023 |
|---|---|---|
| Касб-ҳунар колледжлари ва академик лицейлар сони | 784 | 789 |
| Таълим олувчилар, минг нафар | 454,4 | 407 |
| Ўқитувчилар, минг нафар | 33,6 | 29 |
| Давлат бюджетидан Касб-ҳунар колледжлари ва академик лицейларни сақлаш харажатлари, млрд сўм | 2 131,9 | 2 745,6 |

## 2023 ЙИЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА ХАРАЖАТЛАР ИЖРОСИ

| профессионал таълим муассасаларига | академик лицейларга | бошқа ўқув муассасаларига |
|---|---|---|
| 2 314,9 млрд сум | 395,3 млрд сум | 35,4 млрд сум |

### Олий таълим

2023 йилда олий таълим муассасаларини сақлаш харажатлари **4 525,1 млрд сумни** ташкил этди. Бундан ташқари 2023 йилда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги таълим кредитини молиялаштириш жамғармасидан **170 100 та талабаларга 1 914,8 млрд сўм** ажратилган.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| | олий таълим муассасалари сони | Талабалар сони |
|---|---|---|
| **2022** | 127 | 1 014 минг |
| **2023** | 129 | 1 054 минг |

## ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ



## Соғлиқни сақлаш

2023 йилда соғлиқни сақлаш харажатлари **31 066,6 млрд сўмни** ташкил этди.

### СОҒЛИҚНИ САҚЛАШГА ХАРАЖАТЛАР, 2023 ЙИЛ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

| Харажатлар | Параметр | Ижро |
|---|---|---|
| **Жами** | **27 891,0** | **31 066,6** |
| *шундан:* | | |
| Протезлаш | 26,6 | 40,5 |
| Кўп тармоқли поликлиникалар, марказлар | 2 556,0 | 2 815,3 |
| Поликлиникалар | 2 897,4 | 3 181,2 |
| Қишлоқ врачлик пунктлари | 1 175,5 | 1 307,6 |
| Стоматологик поликлиникалар | 61,5 | 66,0 |
| Койкасиз ихтисослаштирилган поликлиникалар, марказлар ва диспансерлар | 83,6 | 91,1 |
| Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам марказлари | 2 481,1 | 2 956,3 |
| Қон қуйиш марказлари | 77,4 | 85,2 |
| Клиникалар, шифохоналар, тиббиёт бирлашмалари ва койкали марказлар | 5 729,2 | 6 940,1 |
| Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ва ҳудудий филиаллари | 1 926,8 | 2 216,6 |
| Ихтисослаштирилган марказлар, касалхоналар ва койкали диспансерлар | 2 311,9 | 2 543,0 |
| Туғруқхоналар ва акушерлик комплекслари | 666,8 | 750,2 |
| Болалар уйи | 36,2 | 39,0 |
| Туберкулез билан касалланган болалар учун санаториялар | 203,2 | 220,3 |
| Болалар ва ўсмирлар санаториялари (туберкулез билан касалланмаган) | 27,3 | 28,5 |
| Санитар-эпидемиологик станциялар | 1 016,0 | 1 139,0 |
| Карантин ва ўта хавфли инфекцияларнинг олдини олиш маркази ва ҳудудий бўлимлари | 46,2 | 48,9 |
| Эпидемияга қарши курашиш тадбирлари | 1980,0 | 148,3 |
| Санитария ва тиббий статистика муассасалари | 28,0 | 28,9 |
| ОИТСга қарши курашиш марказлари харажатлари | 166,0 | 183,8 |
| Суд-тиббий экспертиза муассасаси харажатлари | 177,5 | 195,6 |
| Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари | 63,0 | 67,0 |
| Кексалар ва ногиронлар учун санаторийлар ва интернат уйлари | 713,1 | 762,1 |
| Уйда ижтимоий ёрдам бўлимлари | 98,3 | 99,8 |
| Ногиронлар реабилитация марказлари | 87,5 | 96,9 |
| Соғлиқни сақлаш бўйича бошқа тадбирлар ва харажатлар | 3 254,6 | 5 015,2 |

Амалга оширилган харажатларнинг тасдиқланган параметрлардан ошишига бошқа ижтимоий соҳа тармоқлари каби иш ҳақининг оширилиши асосий сабаблардан бири бўлган. Шунингдек, тиббиёт муассасаларида қўшимча қувватларнинг яратилиши, бирламчи тиббиёт муассасалари сонининг ортиши натижасида штат бирликлар киритилиши ҳисобига иш ҳақи харажатлари учун қўшимча **1 656,1 млрд сўм** йўналтирилди. Тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларга қўшимча маблағлар ажратилиши яна бир омил бўлиб хизмат қилди

## Фан, маданият ва спорт

### 2022-2023 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН ФАН, МАДАНИЯТ ВА СПОРТГА ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СЎМ




2023 йилда Давлат бюджетидан **фанга** харажатлар 2022 йилга нисбатан 22,6 % га ошиб, **1 774,1 млрд сўмни** ташкил этди.

| | 2022 | 2023 |
|---|---|---|
| Илмий тадқиқот муассасаларини сақлаш харажатлари, млрд сўм. | 871,4 | 1 104,1 |
| Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган мабалағлар, млрд сўм | 575,7 | 670,0 |

2023 йилда **маданиятга** давлат харажатлари **2 737,6 млрд сўмни** ташкил этди.

### 2023 ЙИЛ МАДАНИЯТГА ХАРАЖАТЛАР ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

| Харажатлар | Параметр | Ижро |
|---|---|---|
| **Жами** | **2386,4** | **2 737,6** |
| *шу жумладан:* | | |
| Кутубхоналар | 183,2 | 199,2 |
| Музейлар, кўргазмалар ва кўргазма заллари | 111,3 | 113,8 |
| Саройлар ва маданият уйлари, клублар ва клуб шаклидаги муассасалар | 221,2 | 251,9 |
| «Ўзбекистон» Халқаро форумлар саройини сақлаш харажатлари | 8,5 | 8,3 |
| Театрлар, филармониялар, мусиқий бирлашмалар ва ансамблларни молиялаштириш | 394,1 | 404,6 |
| Реставрация ишларини назарда тутувчи тадбирларни молиялаштириш | 173,0 | 196,8 |
| Киномаҳсулотларини яратиш хизматлари | 70,0 | 103,2 |
| Телевидение ва радио эшиттиришлар | 487,0 | 492,6 |
| Даврий ахборот нашрларини чоп этиш | 74,8 | 67,2 |
| Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича марказ | 101,0 | 105,0 |
| Республика маънавият марказини сақлаш харажатлари | 99,8 | 98,4 |
| Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари | 39,3 | 35,4 |
| Бошқа маданий-маърифий муассасалар ва тадбирлар | 423,2 | 661,3 |

2023 йилда **спортга 2 592,5 млрд сўм** ёки ўтган йилга нисбатан 27,7% кўпроқ маблағ йўналтирилди. Харажатлар асосан Олимпия, Паралимпия ва бошқа спорт тадбирларига тайёрганлик ҳамда спорт мактабларини сақлаш учун қўшимча маблағ ажратиш ҳисобига ошди.

## 2022-2023 ЙИЛЛАРДА СПОРТГА ХАРАЖАТЛАР ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ






## Ижтимоий ҳимоя

2023 йилда **ижтимоий ҳимоя** учун амалга оширилган харажатлар **19 209,6 млрд сўмни** ташкил этди. Ўз навбатида, кам таъминланган оилаларга нафақа тўловлари учун 2023 йил тасдиқланган параметрга нисбатан қўшимча **1 808,3 млрд сўм** маблағ ажратилди.

## 2022-2023 ЙИЛЛАРДА ТЎЛАНГАН НАФАҚАЛАР ВА НАФАҚА ОЛУВЧИ ОИЛАЛАР СОНИ, МЛН СЎМ



## 2023 ЙИЛДА ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ЖАМИ ОИЛАЛАР ВА НАФАҚА ОЛГАН ОИЛАЛАР СОНИ




### Иқтисодиётга харажатлар

Сув хўжалиги бўйича эксплуатация харажатлари, геология-қидирув ишлари, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, автомобиль йўлларини сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа харажатларни ўз ичига олган **иқтисодиётга харажатлар** 2022 йилга нисбатан 25,9 % га ёки 8 833,3 млрд сўмга ошиб, **42 924,3 млрд** сўмни ташкил этди.

## 2022-2023 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ХАРАЖАТЛАРИ, ТРЛН СЎМ



Иқтисодиётга амалга оширилган харажатларнинг ошиши коммунал тарифлар ошиши ҳамда «UzGasTrade» АЖ томонидан табиий газни сотиб олиш ва сотиш ўртасида юзага келган зарарни қоплаш учун қўшимча 3 789,6 млрд сўм миқдорида харажатларни амалга оширилиши билан боғлиқ.

## Марказлашган инвестиция лойиҳалари ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари

тасдиқланган параметрларга нисбатан **4 012 млрд сўм** ортган ҳолда **29 581,6 млрд сўмни** ташкил этди.

### МАРКАЗЛАШГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ВА ҲУДУДЛАР ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХАРАЖАТЛАРИ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР, 2023 ЙИЛ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ




Инвестиция харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Инвестиция дастурига киритилган ўзгаришлар натижасида ошди. Натижада Инвестиция дастурининг тасдиқланган объектлари сони 1 343 тага кўпайди. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари доирасида шаклланган маблағларнинг бир қисми Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Халқ депутатлари Кенгашлари қарори билан инвестиция харажатларига йўналтирилган.

**2023 ЙИЛ ИНВЕСТИЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИДАН:**

ижтимоий соҳада :

қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари якунлангани-дан сўнг:

- 421 та мактаб
- 188 та МТМ
- 100 та тиббиёт муассасалари
- 39 та олий таълим муассасаси
- 14 та маданият ва санъат муассасаси
- 7 та фан ва инновация муассасалари фойдаланишга топширилди

тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва сувоқова тизимини ях-шилаш соҳасида:

1 823 км ичимлик ва оқова сув тармоқлари ётқизилди ҳамда 299 та иншоотларда қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди ҳамда 275 та объект фойдаланишга топширилди.

76 та маҳаллада яшовчи 680 минг нафардан ортиқ аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди ва 1,5 млн нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.

Республика аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 74,2 % дан 77 % гача

## Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура ва судларни сақлаш харажатлари

Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура ва судларни сақлаш харажатларига 15 016,7 млрд сўм тасдиқланган ҳолда **15 913,4 млрд сўмга** ижро этилди

### 2022-2023 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ, БОШҚАРУВИ, АДЛИЯ, ПРОКУРАТУРА ВА СУДЛАРНИ САҚЛАШГА ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СЎМ




Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура ва судларни сақлаш харажатларининг ортиши иш ҳақининг ошиши, шунингдек алоҳида вазирлик ва идоралар ходимларига қўшимча тўловлар манбаларининг ўзгариши билан боғлиқ.

## 2022-2023 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАСНИФ БЎЙИЧА ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

| № | Харажатлар | 2022 (факт) | 2023 (факт) |
|---|---|---|---|
| | **Жами** | **236 692,0** | **281 096,7** |
| | *шундан:* | | |
| 1 | Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар | 96 578,2 | 113 109,2 |
| 2 | Иш ҳақига қўшимчалар | 20 213,6 | 23 873,8 |
| 3 | Капитал қўйилмалар | 13 986,8 | 10 730,5 |
| 4 | Бошқа харажатлар | 105 913,4 | 133 383,1 |
| | *шу жумладан:* | | |
| 4.1 | Товар ва хизматларга харажатлар | 21 265,30 | 24 506,1 |
| | *шундан:* | | |
| | Хизмат сафарлари харажатлари | 151,1 | 205,1 |
| | Коммунал хизматлари | 6 269,00 | 8 347,9 |
| | Сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш | 2 667,50 | 2 078,6 |
| | Моддий айланма воситалар захираларига харажатлар | 7 095,30 | 8 478,7 |
| | *шундан:* | | |
| | Озиқ-овқат маҳсулотлари | 2 475,80 | 3 295,6 |
| | Дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган воситалар, вакциналар ва | 2 548,50 | 2 818,5 |
| | бактериологик препаратлар | | |
| | Ёнилғи ва ЁММ | 630,5 | 731,4 |
| | Товар ва хизматларни сотиб олиш бўйича бошқа харажатлар | 5 047,20 | 3 135,0 |
| 4.2 | Асосий воситалар бўйича харажатлар | 5 235,20 | 5 145,5 |
| 4.3 | Фоизлар | 4 148,50 | 8 833,9 |
| 4.4 | Субсидиялар | 14 856,7 | 29 333,5 |
| 4.5 | Молиявий активлар ва мажбуриятларнинг ўзгариши билан боғлиқ ўтказмалар | 63,7 | 27,3 |
| 4.6 | Грантлар (давлат максадли жамғармаларига трансфертлар) | 26 865,5 | 30 989,2 |
| 4.7 | Бошқа харажатлар | 33 478,5 | 34 547,6 |

# Иқлим ўзгариши билан боғлиқ харажатларни белгилаш

Ўзбекистон иқлим ўзгаришларига таъсирчанлиги юқори бўлган давлатлар сирасига киради, бу ўз навбатида иқлим сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш заруратини билдиради.

Ўзбекистонда, 2021 йилда қабул қилинган мажбуриятларга мувофиқ, иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича чора–тадбирларни кучайтириш, кейинги 5 йилда иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизгача ошириш, ва бу орқали 2030 йилга қадар ҳавога чиқариладиган иссиқхона газлари ҳажмини 2010 йил даражасидан 35 фоизга камайтириш режалаштирилган.*

Бюджетни шакллантиришда ушбу устувор мақсадлар қандай ўз аксини топмоқда ва қайси маблағлар иқлим ўзгаришига қарши курашиш учун йўналтирилмоқда?

Бюджет жараёнида ва уни режалаштиришда иқлим билан боғлиқ муносабатларни инобатга олиш имкониятини яратувчи воситалардан бири иқлим ўзгариши билан боғлиқ харажатларни белгилаш ҳисобланади.

**ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАРНИ БЕЛГИЛАШ**

**Иқлим харажатларни баҳолаш ва мониторинг қилиш имконини берадиган иқлимга боғлиқ (иқлим ўзгаришига мослашиш ва оқибатларни юмшатиш) бюджет харажатларини аниқлаш ва ўлчаш жараёнини ўз ичига олади**

**ҚУЙИДАГИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ЯРАТАДИ:**

- 1. Ушбу масалларни бюджетлаштириш жараёнига интеграция қилиш орқали бюджет харажатларини иқлим ўзгаришига қарши курашишнинг устувор мақсадлари билан мувофиқлаштириш ;
- 2. Давлат органлари ва аҳолининг иқлим ўзгаришига қарши курашиш сиёсати билан хабардорлигини ошириш;
- 3. Иқлимга боғлиқ харажатлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш орқали ушбу харажатлар ва эришилган натижалар шафофлиги ва ҳисобдорлигини, шунингдек халқаро иқлимга боғлиқ молиялаштириш мажбуриятлари доирасида ҳисобдориликни ошириш.

Иқлим масалаларини бюджетни режалаштириш ва бюджет жараёни билан интеграциялашувини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан БМТ тараққиёт дастури ва Франция агентлиги (ФТА) кўмагида "Иқлим ўзгариши соҳасида давлат харажатлари таҳлили ва институционал баҳолаш" (CPIER) амалга оширилди ҳамда иқлим билан боғлиқ харажатларни белгилаш услубиёти ишлаб чиқилди.

**CPEIR** – диагностика воситаси бўлиб, Давлат бюджети харажатларининг иқлим ўзгариши, иқлим соҳасидаги стратегик режалар ва институционал асослари билан боғлиқлиги юзасдиан сифат ва миқдорий таҳлиллар амалга ошириш орқали, республика ва маҳаллий бюджетларни режалаштириш ва улардан фойдаланиш жараёнига иқлим ўзгариши билан боғлиқ муамоларни интеграция қилиш имкониятлари ва камчиликларини баҳолаш имконини беради.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳатлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

Ушбу услубиёт миллий стратегик мақсадлар, бюджет соҳасидаги тажрибалар ҳамда ташкилий қарорлар инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иқлим билан боғлиқ харажатлар қуйидаги сифатларга кўра таснифланган:

- Харажатлар хусусиятига кўра:

| | |
|---|---|
| Юмшатиш | Иқлимга салбий таъсир қилувчи омилларни олдини олиш харажатлари – иссиқхона газлари чиқарилишининг қисқаришига олиб келадиган чора-тадбирларни молиялаштиришга харажатлар |
| Мослашиш | Иқлим ўзгаришига мослашиш харажатлари иқлим ўзгаришининг муқаррар оқибатлари билан боғлиқ миллий иқтисодит ва ижтимоий соҳадаги мумкин бўлган йўқотишлар ва зараларни олдини олиш/камайтириш мақсадида уларга ўз вақтида мослашиш учун йўналтирилган харажатлар |
| Аралаш | Иқлим ўзгариш оқибатларини юмшатиш ва уларга мослашиш харажатлари |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 1 майда “Давлат бюджети харажатларининг Барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш) механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 257-сон Қарори тасдиқланди.

Мазкур қарор билан Давлат бюджети харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш) Концепцияси тасдиқланган бўлиб, Концепция Давлат бюджети харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш) тартибини жорий этишда концептуал ёндашувларни белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу Концепция қуйидаги асосий йўналишларни:

- таснифлаш қамрови, объекти ва даражаси;
- харажатларни аниқлаш;
- чора-тадбирларнинг бюджет маълумотларига мувофиқлигини таъминлаш;
- бюджет жараёнларига интеграция қилиш;
- харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашни татбиқ қилишга қаратилган қисқа ва узоқ муддатли ҳаракатлар;
- харажатларни барқарор ривожланиш миллий мақсадлари асосида таснифлашни ўз ичига олади.

Бунда бюджет харажатларини иқлим учун долзарблиги жиҳатидан «ижобий», «салбий» ёки «нейтрал» гуруҳларга ажратиш мумкин бўлади. Жумладан:

1 — ИЖОБИЙ ТАЪСИРГА ЭГА

2 — САЛБИЙ ТАЪСИРГА ЭГА

3 — НЕЙТРАЛ ХАРАЖАТЛАР

Ҳозирда бюджет тизими бюджетларининг вазифалар жиҳатидан таснифидаги сатрларни ушбу гуруҳларга ажратиш учун айрим харажатлар бўйича қўшимча маълумотлар талаб этилади.

Шу сабабли, маълумотлар вазифалар жиҳатидан таснифдаги маълум бир бюджет сатри бўйича жами харажатларнинг 75 фоизидан кўпроғи «ижобий» эканлигини кўрсатган тақдирда, бюджет сатри иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатлар деб ҳисобланади.

Агарда жами харажатларнинг 75 фоизи «салбий» бўлса, унда бюджет сатри иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган харажатлар деб ҳисобланади.

Харажатларни иқлим жиҳатидан таснифлашни жорий этиш учун қуйидаги 4 та асосий тадбирлар белгиланиши зарур:

- таъсирни «ижобий» тарафга юмшатиш тадбирлари;
- «салбий» таъсирни юмшатиш тадбирлари;
- «ижобий» мослаштириш тадбирлари;
- «салбий» мослаштириш тадбирлари.

Юқоридаги услубиётлар асосида 2023 йил Давлат бюджетининг 2023 йил ижроси тўғрисидаги маълумотлар асосида иқлим ўзгариши билан боғлиқ харажатларни белгилаш амалга оширилди. Ушбу белгилаш амалиёти жараёнида харажатлар моддасининг иқлим ўзгаришига боғлиқлиги ёки боғлиқ эмаслиги, ижобий, салбий таъсир қилиши ёки аралаш хусусиятга эга эканлиги ўрганилди.

2023 йил Давлат бюджети харажатларининг **41 625,8 млрд** сўми ёки **14,8 фоизи** иқлим ўзгаришига боғлиқ деб боғланди, қолгани таъсир қилмайдиган харажатлар сирасига киритилган, яъни харажатлар иқлим ўзгаришига таъсир кўрсатмайди ёки боғлиқлигини аниқлаш имконияти йўқ.

Иқлим ўзгаришига қарши кураш харажатларининг  асосий қисмини иқлимга ижобий таъсир кўрсатувчи харажатлар ташкил этди.

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИРИ, ФОИЗДА




Иқлим  ўзгаришига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган харажатларнинг асосий қисми (90,3 %) мослашиш хусусиятдаги  харажатлар ҳиссасига тўғри келади.

## ИҚЛИМ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАР

| | |
|---|---|
| Аралаш хусусиятга эга харажатлар | 1 034,4 млрд сўм (2,5 %) |
| Юмшатиш хусусиятига эга харажатлар | 3 008,9 млрд сўм (7,2 %) |
| Мослашиш хусусиятига эга харажатлар | 37 582,5 млрд сўм (90,3 %) |

## МОСЛАШИШ ЧОРАЛАРИ:

- суғориш сувларидан фойдаланишни қисқартириш учун сувни тежовчи технологияларни (томчилатиб суғориш) жорий этиш;
- куз ва қишда сув ресурсларини тўплаш учун сув ҳавзаларини яратиш (электр энергиясини ишлаб чиқариш учун сув ресурсларини шакллантириш учун давлатлар томонидан ўтказиладиган сув ресурслари – Тожикистон ва Қирғизистон);
- сувни кам талаб қиладиган экинларга ўтиш (кўп суғоришни талаб этадиган пахта етиштириш учун ер майонини қисқартириш);
- далаларни лазер билан текислаш;
- аҳоли пунктларини ва шаҳарларни кўпроқ кўкаламзорлаштириш;
